

## IMPORTANT ISSUES OF THE LEARNING PROCESS

**Sagdullaev Jahongir Ahmadjon Ogli**  
Samarkand Region Interior Ministry News  
head of service  
independent researcher

**Abstract:** This article deals with the issues of upbringing young people who are the future of our country, the manifestation of their existing talents and abilities, the definition of the foundations, principles and stages of reforming the education system of our country.

**Keywords:** International standards, priorities, tools, opportunities, education, wide introduction, educational institution, stages, market economy, measures.

## ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС МУҲИМ МАСАЛАЛАРИ

**Сагдуллаев Жаҳонгир Аҳмаджон ўғли**  
Самарқанд вилояти ИИБ Ахборот  
хизмати бошлиғи  
мустақил тадқиқотчи

**Аннотация:** Ушбу мақолада ватанимизнинг келажаги бўлган ёшларни вояга етказиш, уларнинг ўзларидаги мавжуд истеъдод ва иқтидорни намоён этишларига алоҳида эътибор берилганлиги, мамлакатимиз таълим тизимини ислоҳ қилишнинг асослари, тамойиллари ва босқичларини белгилаб берганлиги масалалари борасида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** халқаро стандартлар, устувор вазифалар, воситалар, имкониятлар, таълим-тарбия, кенг жорий этиш, таълим муассасаси, босқичлар, бозор иқтисодиёти, чора-тадбирлар.

## ВАЖНЫЕ ВОПРОСЫ ПРОЦЕССА ОБУЧЕНИЯ

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы воспитания молодежи, за которой будущее нашей страны, проявления в них имеющихся талантов и способностей, определяются основы, принципы и этапы реформирования системы образования нашей страны.

**Ключевые слова:** международные стандарты, приоритеты, инструменты, возможности, образование, повсеместное внедрение, учебное заведение, этапы, рыночная экономика, меры.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун <sup>1</sup>, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”<sup>2</sup> мамлакатимизда таълимни ривожлантириш ва юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги ислохотларни амалга оширишнинг назарий-амалий асосини ташкил қилиб, келгусида таълимни янада ривожлантиришнинг истиқболларини белгиловчи тарихий аҳамиятга молик ҳужжатдир.

Бу ҳужжатларда ватанимизнинг келажаги бўлган ёшларни вояга етказиш, уларнинг ўзларидаги мавжуд истеъдод ва иқтидорни намоён этишларига алоҳида эътибор берилган, мамлакатимиз таълим тизимини ислох қилишнинг асослари, тамойиллари ва босқичларини белгилаб берганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Миллий мустақиллик ғоялари сингдирилган бу тарихий ҳужжатлар муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида ривожланган мамлакатлар таълим тизимини ўрганишга ҳам кенг йўл очилди. Ўз навбатида хорижий мутахассислар ҳам мамлакатимиз таълим тизимида рўй бераётган ислохотларни ўрганиб, уларга ижобий баҳо бермоқдалар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелда “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон қарори қабул қилинди<sup>3</sup>.

Қабул қилинган қарорга кўра бошқа вазифалар қаторида ҳар бир олий таълим муассасаси томонидан хориждаги етакчи турдош илмий-таълим муассасалари билан истиқболли ҳамкорлик алоқаларини яқиндан йўлга қўйиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган энг замонавий педагогик технологиялар, таълим дастурлари ва ўқув-методик материалларни кенг жорий этиш, илмий-педагогик фаолиятга юқори малакали чет эл олимларини жалб этиш энг муҳим вазифалар этиб белгиланди.

Шундай экан, таълим жараёнида ўқув машғулотларини ташкил этишда, улар асосида таълим олувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини ривожлантиришда замонавий талабларга, педагогик технологияларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бугунги кунда республикаимизда иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий асосларини мустаҳкамлаш борасида кўпгина ишларни амалга оширилди. Уларни давом эттириш эса ёшларимиз қўлида. Шу сабабдан ҳам мавжуд имкониятларимиздан тўлиқ фойдаланиб, ёшларимизга бўладиган эътиборни янада кучайтириш даркор. Зеро, ёшлар тарбиясига бурч ва маъсулият нуктаи-назаридан ёндашиш келажагимизни шакллантириш гарови бўлиб қолади.

“Бозор иқтисодиёти ислохотларини амалга оширишда қандай чора-тадбирлар кўрилишидан қатъий назар, малакали мутахассислар етишмас экан, қўйилган мақсадга эриша олмаслигимиз мумкин. Малакали мутахассисларни тайёрлашда олий таълим муассасалари янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш вақти келди” – деган эди биринчи Президентимиз И.Каримов.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1992 йил 2 июль. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 6-сон. -Т.: Адолат, 1993.- 232 б.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 18-сон. Адолат. 1998.- 281 б.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель, ПҚ-2909-сон. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 21 апрель. 79 (6773)-сон.

Бу жараёни амалга оширишда хорижий тажрибалардан самарали фойдаланиш ва Миллий дастурнинг дастлабки bosқичларини амалга ошириш, шунингдек, бозор иқтисодиёти шароитида кадрлар тайёрлаш муаммоларини ўрганиш ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Ҳозирги замон жамиятининг ҳамма соҳасида ҳар кимдан ташаббускорликни, ижодни, мустақил фикрлашни талаб қилади

Ўқув машғулоти - педагогик ижодкорликнинг асосий майдони. Педагогнинг асосий педагогик эҳтиёжи ўргатиш, етказиб бериш айнан ўқув машғулотида амалга ошади. Шундай экан, ўқув машғулоти таълим жараёнини ташкил қилишга тўғри, янгича муносабат керак.

Ўқув машғулоти жараёнида педагог олдида муҳим бир масала туради, у ҳам бўлса таълим олувчиларни билим олишга жалб қилиш, уларни олға ҳаракатлантиришдир. Бу эса педагог ва таълим олувчиларни биргаликдаги меҳнатга жалб қилади.

Бугунги кунда касб билимлари ва кўникмаларини узлуксиз чуқурлаштириш билан бирга ўқув машғулоти сифатига эътибор бериш алоҳида аҳамиятга эга.

Педагогик ҳамкорликнинг қарашларидан бири, ўқув машғулотида таълим олувчидаги кўркунни йўқотиш, уни эркинроқ, дадилроқ қилиши, ўзини кучига ишонтириш, унга жиддий, ижод қилишга қодир шахс сифатида қарашдир.

Замонавий ўқув машғулоти фақат ўқитишнинг метод ва шакллари билан чекланиб қолмай, балки таълим-тарбия, ривожлантириш мақсадларини амалга ошириш, педагог ва таълим олувчи фаолиятида биргаликдаги ўзаро боғлиқлигини рўёбга чиқаришни талаб қилади.

Ўқув машғулоти, педагогдан ижодий педагогик тафаккур, педагогик маҳоратни талаб қилади. Унинг ўқитиш воситалари, унинг ижодкорлигига, кўп қиррали билимига, фаолиятига асосланади. Ўқув машғулотини ўтказиш, уларнинг муваффақияти, унинг назарий ва касбий тайёргарлигига боғлиқ.

Ўқув машғулотига тайёрланиш жараёнида педагог шу фанга қарашли, психологик-педагогик, методик китобларни, журнал ва газеталарни мунтазам равишда ўқиб бориши керак. Ўқув машғулоти жараёнида воситалар турли бўлиши мумкин. Бу педагогнинг ихтисослигига, унинг қизиқувчанлигига, эҳтиёжларига, интеллектуал фаоллигига боғлиқ. Албатта, бунда ўрганилаётган материал мазмунини таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ўқув машғулоти бир нечта омиллардан иборат. Педагог ҳар бир ўқув машғулотида учта масалага эътибор қаратиши керак.

1. **Тарбиявий масалалар**, таълим олувчиларнинг бўлаётган ҳодисаларга, атрофга бўлган дунёқарашини шакллантиради. Уларда инсонпарварлик, ватанпарварлик руҳини тарбиялайди.

2. **Илм оширадиган масалалар** ўз ичига таълим олувчиларни билим, кўникма ва малакалар билан қуроллантиришини олади.

3. **Билиш масалалари**, уларда ўрганилаётган материаллардан асосийсини, муҳим жойларини ажрата олиш қобилиятини, ўқув фаолиятида ва фикрлашда мустақил бўлишни, ўқишда қийинчиликларни енгишини шакллантиради.

Тажрибали педагоглар томонидан таълим олувчиларнинг ўқув машғулотидаги муҳим, керакли жойлари қайсилигини, қайси жойини эслаб қолиш, қайси жойидан шунчаки хабардор бўлиши кераклиги аниқланади.

Педагог томонидан ўқув машғулотини ишлаб чиқиш натижасида, педагог ўқув машғулотининг муаллифига айланиши керак. Ўқув машғулотининг қандай бўлиши, унинг ижодкорлигига ва маҳоратига боғлиқ. Аввало, ўқув машғулотининг ижодий режаси тузилади. Режа ўз ичига қуйидагиларни олади:

- ўқув дастуридан келиб чиқиб, ҳар бир мавзу материалининг мазмунини чуқур билиш;

- ҳар бир мавзунинг ҳозирги замонга, таълим олувчилар ёшига мос бўлиши;

- педагогнинг ҳаётини ва иш тажрибага, маънавий ҳолатига мос бўлиши;

- ўрганилаётган мавзунинг олдинги ўтилган, кейин ўтилиши керак бўлган мавзуларга мос келиши;

- ҳар бир мавзунинг таълим олувчилар психологиясига мос бўлиши мақсадга мувофиқ.

Таълим олувчиларнинг билим эгаллаш жараёнини ташкил этиш учун, педагог ўқув машғулотидаги тескари алоқаларни амалга ошириш керак. Бундай маҳоратга педагог таълим олувчилар билан мулоқат қилганда кузатувчанлиги, яхши ривожланган тасаввур ва чуқур мулоҳазали бўлгандагина эришади. Бунда тажрибали педагог пассив таълим олувчиларни қуйидаги даражаларга ажратиш мумкин:

- билиш доираси суст (диққатсиз, хотираси ёмон, фикрлаш, мулоҳаза юритиш доираси яхши ривожланмаган);

- эмоционал-иродалилигидаги камчиликлар (пассив, суст, ортиқча ҳаяжонли, кунти йўқлиги);

- шахсий сифатларнинг яхши шаклланмаганлиги (билим олишга қизиқиш, мустақил иш юритиш, жавобгарлик, маъсулият);

- бир қанча камчиликларни уйғунлашуви.

Педагог мутахассис бой тасаввурга эга бўлиши керак. Бу нарса ўзини таълим олувчилар ўрнига ҳаёлан қўя олиш, унинг ролига кириб, шу нуқтаи-назардан педагогик муаммоларни ҳал қилишда намоён бўлади.

Яхши педагоглар уй вазифаларини таълим олувчиларга қизиқарли бўлишга ҳаракат қилади. Шу мақсадда, улар уй вазифаларни хусусияти ва шаклига қараб: оғзаки ва ёзма, муҳим ва ўз хохишидаги, қўшимча адабиётларни қўллаб, ўзи танлаган топшириқ, индивидуал ва гуруҳли каби ўзгартиришади.

Уй вазифаси аниқ ва тўғри бўлиши учун педагог ўқув машғулоти жараёнида самарали қилиб, тушунтириш ишларини олиб бориши керак. Шунинг учун ҳам, малакали педагоглар янги материални тушунтиришга кўпроқ вақт ажратади. Чунки, билимларининг мағзини чақиш, англаш жараёни қанчали самарали бўлса, кейинги ўқув машғулотида уй вазифаларини текширишга шунчалик камроқ вақт кетади. Ёш педагог биринчи кунларданоқ шунга эътибор бериш лозим. Янги материални тушунтиришга кўпинча вақт етмасликнинг сабаби шундаки, уй вазифасини текширишга кўп вақт ажратилади, чунки материални яхши ўзлаштирмаган бўлади.

Шунинг учун, тажрибага эга бўлган педагоглар янги мавзунини тушунтириш вақтида таълим олувчини уй вазифасини бажаришда мунтазам равишда тайёрлаб борадилар. Шубҳасиз, уй вазифаларини бажаришни фаоллаштириш сабабларидан бири, уларнинг тез-тез педагог томонидан текширилиб борилишидир. Акс ҳолда, уларда уй вазифаларининг назоратсиз бўлиши вужудга келиши мумкин ва улар уй вазифаларни бажаришда суст бўлиб қолишади.

Педагогик маҳоратни эгаллаш учун педагогга фақат ўзининг фанини чуқур билиши етарли эмас, у бундан ташқари сиёсат, фан, санъат, техника, спорт соҳасида одамларни нимаки қизиқтирса ҳаммасидан хабардор бўлиши керак.

Ўқув машғулоти суръати педагог учун нафақат меҳнат маданиятининг муаммоси, балки интизом, ўқув машғулотининг сифати муаммоси ҳамдир. Ўқув ишининг суръатини юқори қилиш учун мутахассислар таълим олувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга ҳаракат қилишади. Тажрибасизлар, улгуролмасликдан қўрқиб, таълим олувчиларнинг ўзлаштириш қобилиятини ҳисобга олмай, ўқув машғулотининг суръатини ошириб боришга ҳаракат қилади. Ўқув машғулотининг

турлича бузилиб кетиши, уларнинг ишчи кайфиятига салбий таъсир қилади, уларни толиқтиради.

Ишни энг қулай суръатини аниқлаш учун қуйидагиларга амал қилиш керак:

- тегишли меъёрда ҳаммага тўғри келадиган, ўқув машғулотидаги ўртача суръатини топиш;

- таълим олувчиларнинг индивидуал имкониятини ҳисобга олиш;

- ўқув машғулотидаги жамоа ва индивидуал шакл ишларининг бирлигини танлаб олиш;

- таълим олувчилар фаолияти турларини янгилаб бориш;

- вақтнинг унумсиз ҳаракатларини максимал даражада қисқартириш;

- ўқув машғулотидаги суръатини аста-секинлик билан ошириб бориш.

Ўқув машғулотида педагог ўзини назорат қила олиши педагогик қобилиятининг ривожланишини тезлаштиради, тажрибаси педагогик маҳоратини намоён қилади. Ўз-ўзини назорат қилишга мурожаат этган педагог, ўқув машғулотида ўз-ўзини идора қилиш малакасини ошириш билан қуролланади, фаолиятини ўрганади, ўз навбатида бу меҳнатдан роҳатланиш, педагогнинг маънавий куч-қудратини, унинг ижодий ташаббускорлигини вужудга келтиради.

#### **Фойдаланилган Адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонуни. 1992 йил 2 июль. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 6-сон. -Т.: Адолат, 1993.- 232 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистоннинг янги қонунлари. 18-сон. Адолат. 1998.- 281 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент ш., 2017 йил 20 апрель, ПҚ-2909-сон. “Халқ сўзи” газетаси. 2017 йил 21 апрель. 79 (6773)-сон.
4. Азизхўжаева Н.Н. «Замонавий педагогик технологиялар», Тошкент, 2002 й.
5. Авлиёкулов Н.Х. «Замонавий таълим технологиялари» Тошкент.: 2001.